



0, Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.  
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2015 у.г. «29» август

№ 1080-к

Самарқанд туман “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Конирил агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Умаров Алишерга кондитер ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа қишлоқлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, “Қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа кидирув институтининг баённомаси, Самарқанд вилоят ҳокимлиги муҳофаза қилиш кўмитасининг ҳулосаси ва фуқаро Умаров Алишернинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини асосатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Конирил агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 246 контуридан фуқаро Умаров Алишерга кондитер ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун жами 0,38 га (шундан: 0,38 га туман маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Умаров Алишерга кондитер ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи бино шартларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 8,40 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш вазирлигининг назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансида ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га таъминлансин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров